

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 7-сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д., М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.07.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 7**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



1. Ш. М. Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ташкент, 2017 йил, 7 феврал, ПФ 4947. Ўз Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6(766)-сон.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-жилд, Т., 1999, 137-бет.
3. Рахмонов Р., Файзиёв Ф. Ёшлар дунёкараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира: Тошкент. «Ўзбекистон» 2008, 16-18 бетлар.
4. Философский энциклопедический словарь. -М.: Инфра, 1999. -С. 190.
5. Абдуллажонова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2004. -№ 2,
6. Фалсафа. Қомусий луғат. -Т.:Шарқ, 2004, 389-бет.
7. Самибоев Х., Ширибоев Ш. Маҳалла - тарихий хотирани тарбиялаш маскани. //Мулоқот. -Тошкент, 2003. -№ 3, 10-бет.
8. Бозорова Р., Юнеско рўйхатига муносиб қадрият//Фалсафа ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2019. - № 2, 101-103 бетлар.
9. Бозорова Р., Ислом-меҳр чашмаси //Имом Бухорий сабоқлари. -Тошкент, 2020. -№ 2, 11-13 бетлар.

МУСИҚА ВА ТАРИҚАТ МУНОСАБАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ- ИРФОНИЙ ТАЛҚИНИ

Исақова Замирахон Рухитдиновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация. Мақолада тариқатлар тараққиётида энг кўп тортишувларга сабаб бўлган масала “самов” ва рақснинг моҳияти Куръон, ҳадис ва тасаввуф илмига доир адабиётлар асосида ўрганилиб, муסיқа ва тариқат муносабати масалалари фалсафий-ирфоний таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Куръон, зикр, ирфон, ориф, тариқат, муסיқа, рақс, шеърят, самов, ваджд, гўзаллик, оҳанг, қаввол, баҳши, рамз.

ФИЛОСОФСКО-ГНОСЕОЛОГИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ТАРИКАТОМ И МУЗЫКОЙ

Исакова Замирахон Рухитдиновна
кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация. В статье изучены сущность “самов” и танца на основе Корану, хадисам и литературы по мистицизму, обсуждены наиболее противоречивые вопросы “самов” в развитии тариката, а также даны философско-гносеологический анализ взаимосвязи музыки и тариката.

Ключевые слова: Коран, зикр, ирфан, ариф, тарикат, музыка, танец, поэзия, самов, ваджд, красота, мелодия, каввал, бахши, символ.

PHILOSOPHICAL-EPISTEMOLOGICAL INTERPRETATION RELATIONSHIP BETWEEN TARIKAT AND MUSIC



Набожий дейди: “самов” фикр очадиган, ибрат касб қиладиган нарса бўлиб, ундан бошқаси фитнадир” [22.137.].

“Самов” мажлислари айрим тариқат биродарлари учун ҳаёт тарзига айланиб, “важд” ҳолатига эришиш воситаси бўлса, айрим тариқат муршидлари “самов”га эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишган, ҳаттоки, ўзлари ва муридларини “самов” мажлисларидан йироқ тутишга интилишган. Мавлавия тариқати биродарлари учун “самов” ва рақс тариқат “Самов” мажлислари “Гирди дарвешон” номи билан машҳурдир.

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршилиқлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотади [23.1.].

Хулоса (Conclusion). “Самов” тинглашга кўра тўрт ҳолатни зиур этиш ўринли:

а) Ҳаж амалларини бажаришга ундайдиган ва уларни ҳаж зиёратига боришга мойил қиладиган, қалбларида ҳаж амалларига нисбатан жўш урадиган гўзал туйғулар ҳосил қиладиган оят, ҳадис, жанговар руҳдаги дўмбира овозлари, шеърлар ва кўшиқлар тинглаш;

б) инсонни Аллоҳ тақдирига рози бўлишга чақирадиган, ҳофизона ғазаллар, яссавиёна ҳикматлар, румиёна маснавийлар, яхшилик ва ёмонлик, савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром, шодлик ва қайғу кунлари кишиларга руҳий бардамлик ва мусибатга сабр-бардошни вужудга келтирадиган, ўлимга розиликни пайдо қиладиган оят, ҳадис, ҳикмат, маънавий, куй, кўшиқ, наътлар тинглаш;

в) Тўй муносабати билан, сафардан омон қайтганлик шарофатига, фарзанд кўриш, ўғил болаларни суннат қилиш, дўстлар дийдоридида шод-хуррамлик, қувончни изҳор этиш орқали “самов” тинглаш;

г) илоҳий ишққа йўғрилган ва Аллоҳ билан илоҳий боғланиш ҳамда моддий олам билан ғайбий олам ўртасида илоҳий ришта боғлаш мақсадида сўфийларнинг “самов” тинглашлари.

“Самов” тинглаш жоизлигининг асосий шарти аниқ белгиланган: сўфийлар орасида ҳам, уни эшитувчилар орасида ҳам Аллоҳни севиш шу даражада бўлиши керакки, унинг қалбида дунёвий алоқадан зарра бўлмаслиги ва илоҳий ишқ барчасидан устун бўлиши талаб этилади, акс ҳолда “самов” тинглаш унинг руҳиятига зарар келтириши мумкин.

Мусиқа тариқат маросимлари (зикр, “самов”)да мажлислари етакчи ўринга эга бўлиб, анъанавий мусиқий жанр истифода этилган.

“Самов” ва мусиқа, шеърият ва рақс уйғунлигини мужассамлаштираган мақомнинг ўзаро муракаб боғлиқлик жиҳатлари бўлиб, “самов” вақтида янграйдиган мусиқа ўзининг “гармония”си, ички маъносининг бойлиги билан муридларга таъсир кўрсатиши лозим бўлган. Сўфийлар мақомотдан фойдаланганлар, кейинчалик мақомот тизимида сўфийлар эстетикаси ва рамзи устунлик қила бошлаган.

Мусиқа тариқат маросимлари (зикр, “самов”)да мажлислари етакчи ўринга эга бўлиб, мусиқа, зикр, рақс ва оҳанг уйғунлигида анъанавий мусиқий жанр истифода этилган. Зикр маросимида Қуръон оятлари, Аллоҳ исмларини такрорлаш ва махсус



зикрларни якка ёки биргаликда муайян оҳангда такрорлаш билан қатнашувчилар руҳиятига кучли таъсир кўрсатган.

Таклифлар (Recommendations).

1. Кўниёда мавлавия тариқатининг жаҳрий зикр ва рақсу “самоъ” мажлислари мафтункорлиги билан бошқа дин вакилларига ислом динининг илоҳий моҳиятини кўрсатиш билан бирга мамлакат туризми ривожланиши ва тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Асрлар оша қадрият сифатида ардоқланган зикру “самоъ” мажлисларини қайта тиклаш ва тариқатнинг юксак мавқеини ўз жойига қўйишда Туркия мамлакати бошқа мусулмон давлатларига намуна бўла олади.

2. Мамлакатимизда маънавий қадриятларга эътибор ва эҳтиромни янада юксак поғоналарга олиб чиқиш, миллий маънавият ва маданият сарчашмаларини дунёга танитиш, ўлмас қадрият бўлган мусиқий дурдоналарнинг яшовчанлигини таъминлаш, мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши ва туризм салоҳиятини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш учун хонақоҳларида расм этилган Қуръон, зикр, жаҳрий зикр, самоъ, куй ва кўшиқлар, тасаввуф йўлини акс эттирган ўн икки мақом, “Дугоҳ” мақомининг чолғу йўлидаги “Самойи” куйи, Хоразм мақомларидаги “Дутор” “Суворий”, “Чоки гирибон” туркумини йўлга қўйиш ва анъанага айлантириш мақсадга мувофиқки, мумтоз наволарга эътибор уйғотишнинг оқилона йўли мусиқа билан боғлиқ, яъни мумтоз шеърятни англаш учун уни куйга солиш лозим.

Адабиётлар рўйхати (References)

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 253-бет.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1-боб. 22-фасл. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. 69-бет.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. I китоб / Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. – Т.: Адолат, 2005. 350-бет.
4. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – М.: Единство, 2004. 420-бет.
5. Қуръони Карим маъноларинининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. Фотир сураси, 1-оят. 434-бет.
6. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари / Таржимонлар ва арабча матнни нашрга тайёрловчилар: Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Абдулазиз Мансуров. Махсус муҳаррир: Ҳ.Нурмуҳаммад. – Т.: Фан, 1990. 96, 102-бет.
7. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам / Муаллиф-тузувчи Зуфаржон Жўраев. – Т.: Ўзбекистон, 1994. 129-бет.



боғлиқ бўлиб, “самов” тингловчи қалбига ҳеч қандай янгилик олиб кирмаса ҳам, унинг қалбида мавжуд бўлган илоҳий туйғуларни уйғотади, ҳаяжонга солади ва жунбуш (ҳаракат)га келтиради, деб қаралади.

Сўфийларнинг “самов” тинглашларига икки тарафлама ёндашилади:

биринчиси, тингланадиган “самов”нинг маъносига кўра, бунда “самов”нинг маъноси “мажоз”, “рамз” ва “тимсол”лар орқали талқин этилади;

иккинчиси, тингланадиган “самов”нинг маъносидан қатъий назар, унинг оҳанги ва ижросига кўра, бунда “самов” оҳанг, овоз ва ижро ҳамоҳанглиги орқали талқин этилади. Масалан, араб ёки форс тилини билмаган ҳолда араб ёки форс тилидаги байт ёки қўшиқ ва куйни тинглаш, бирон мусиқа асбоби орқали ижро этилган куйни тинглаш. Бу тингловчининг мусиқа борасидаги билимларидан кўра, руҳияти билан боғлиқ бўлиб, “самов” тинглаш орқали тингловчи қалбининг илоҳий ишқ билан нечоғли даражада боғлангани, ориф қалбининг илоҳий ишққа нечоғли берилгани билан белгиланади.

“Самов” ирфон аҳлининг илоҳий оламга саёҳатидирки, оҳанг таъсирида “важд” ҳолатига тушиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ишқ, ҳам кўрқув, ҳам умид, ҳам тавба, ҳам завқ, ҳам жўшқинлик, ҳам изироб ҳиссини туяди. Ориф “самов” тинглаш орқали муайян экстатик ҳолат – “важд”га эришади. “Самов” тинглаш жараёнида ижро этилаётган қуй, қўшиқ, рақс, зикр ориф қалбида турли “важдий” ҳолатларни юзага келтиради, юрак ҳапқиритиши, кўзлари ёшланиши, йиғлаши, ўзи сезмаган ҳолда бош, лаб, қўл ва оёқлар ҳаракатга келиши, кўзлар юмилиши, чўкка тушган ҳолатда чуқур тафаккурга берилиш, ўша онда бу дунёдан узилиш ва ғайб олами билан боғланиш рўй беради.

“Важд” ҳолати ҳақида орифлар ўз ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда турлича фикр юритишган. Бу фикрлар жамланса, иккита йўналиш юзага келади. Биринчиси, “ал-жинси аҳвол” (ҳиссиёт), иккинчиси, “ал-жинси мукошафат” (қалб ёришиши, қалб порлаши) [18.180.].

“Важд” ҳолатига эришиш замирида тингланган “самов”ни тушуниш ва руҳиятга сингдириш, “самов”ни ўз руҳий ҳолати билан қиёслаш, “самов” орқали янги “важдий” ҳолатларга боғланиш ва ўз-ўзини кашф этиш ва ҳаказо. “Важд” ҳолатига олиб келадиган ҳадик, кўрқув, ички қониқиш ҳисси, қувонч, ишқ, интизорлик, умид ҳолатларини бошдан кечириш, қалбнинг бу ҳолатдаги ўзгаришларини кузатиш. Қалб “самов” билан тўлган бўлса, қалбнинг ҳолати буткул ёки қисман ўзгаради. Қалб ҳаминша турли туйғу ва кечинма, изтироб ва ҳадик билан тўла бўлади, “важд” ҳолатига эришиш инсондан жуда катта риязат ва қалб поклиги, иймон саломатлиги, руҳ хотиржамлиги, Аллоҳга ишонч ва чин муҳаббатни талаб этади.

“Важд” ҳолининг мукамал шакли Ҳаққа етишиш ва орифнинг башарий сифатлардан фоний бўлиб, Ҳақ вужудига бирлашувидир [19.381.].

“Важд” ҳолатининг бугунги кун билан боғлиқлиги нимада? Эътироф этиш ўринлики, тасаввуф ўлик таълимот эмас, “сўфий ва орифлар яшаб бўлди, улардан фақат китоблар қолди” деган қараш асоссиз. Тасаввуфдан аввал ҳам инсон бўлган, кейин ҳам бўлади. Ҳар бир инсон ҳиссиётдан холи эмас, яъни инсон оддий кундалик ҳаётидан тортиб, тантанали кеча, байрам, тўй, концертларда ҳам “важд” ҳолатини бошидан кечириши мумкин. Масалан, аҳд-паймон қилган ошиқ маъшуқанинг хиёнатидан руҳий изтиробга тушади. Ўша дамда айрилиқ ҳақида тингланган куй ёки қўшиқ унинг руҳиятида “важдий” ҳолатни юзага келтириши, қалбида мислсиз туғёнлар жўш уриши,



хиёнатнинг асл сабаблари очилиши, унинг муҳаббати бор-йўғи қизиқиш ёки шунчаки ўрганиб қолишдан иборат эканлигини англаши, ҳаёт давом этиши, ва албатта, ўз бахтини, ўз муҳаббатини учратишига қатъий ишонч уйғониши ва ҳаказо. мумкин. Ёки аксинча, ошиқ муҳаббатидан изтиробга тушиб, ўз севгисига содиқ қолиб, бутун умр севгисига содиқ қолишга қарор қилиши мумкин. Энг асосийси, “важд” кайфияти орқали руҳ покланади, қалб тозараети, фикр тиниқлашади, “катарсис” (тозалаш, мусаффо қилиш) ҳодисаси рўй беради. Катализатор вазифасини бажарган куй, оҳанг, кўшиқ, рақс орқали инсон кайфияти кўтарилиши, жунбушга келиши, ўзгариши, янги кайфиятни юзага келтириши, тушкунликдан қутқариши, эртанги кунга ишонч уйғотиши мумкин [20.39.]. Халқимизда “Ўлганга борган ўз дардини айтиб йўғлайди” деган мақол борки, унутилган воқеалар ёдга тушади, хотиралар тикланади, ўтмиш эсланади, яъни дард-ҳасрат инсонларни бирлаштиради, уларни ҳаммаслақ, ҳамдард қилади, бу эса уларни мусибатни биргалиқда енгишга хазмат қилади.

Бу ўринда “важд”нинг олий кайфияти ҳақида сўз бораётгани йўқ, негаки, орифнинг “важд” ҳолати билан оддий кишиларнинг изтироблари ўртасида катта фарқ бор, яъни орифнинг мақсади Аллоҳ васли бўлса, оддий кишиларнинг мақсади севган кишисига ҳамдардлик, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш, суйган инсонининг васлиги этиш орзусидир.

Алоҳида қайд этилиши жоиз бўлган нуқта шуки, ҳар қандай “самоъ”, куй, оҳанг, кўшиқ ҳар бир тингловчига ўзига хос ва бетакрор ҳиссиёт беради ва бу ҳиссиётлар бошқа тингловчида худди шу тарзда рий бермайди, аксинча, тингловчининг дунёқарашини, руҳиятини, ички туғёнларини билан боғлиқ бўлгани учун такрорланмас ўзгача маъно беради.

“Самоъ” Мутлақ руҳнинг инсон қалбидаги зарраси мусиқа таъсирида, зикр пайтида таниқлашиб, покланади, яъни ўз ўзагига яқинлашади, Аллоҳга ўз муҳаббатини тўлароқ ифодалашга ёрдам беради.

Ривоятга кўра, Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) масжидга кирса, кишилар ўтирган ҳолда овозини баланд кўтариб зикр ва саловат айтаётган эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) “Расулдуллоҳ (с.а.в.)нинг даврларида бунақанги одат бўлмаган. Сизларни “бидъат”чи деб биламан” деб, уларни масжиддан ҳайдаб юборган. Зеро, Қуръон тиловати, жаноза, кофирларга қарши муҳораба ва мавъиза чоғида овозни керагидан ортиқча баланд кўтаришни Расулдуллоҳ (с.а.в.) хушламас эдилар. Тасаввуф йўлига кирган, дарбадарлик ва садақа билан кун кечирадиган қаландарлар аҳли зикру “самоъ” орқали Аллоҳга яқинлашиб, фақру фано ва ҳақиқатга эришишни мақсад қилган бўлсалар ҳам, улар “ҳашвийлар”, яъни бангиларга айланиб, исломни унутган [21.27.].

“Самоъ” – вақтнинг чарчоғидан роҳат берувчи, ҳол арбобларига дам берувчи ва машғул кишиларга ички дунёларини бойитувчи омидир “Самоъ” ихтиёр қилинишининг сабаби, инсон табиати ундан роҳатланади. “Самоъ” фазодан пайдо бўлиб, фазога қайтади. Кушуфот ва мушоҳадот арбоблари мукошафот майдонида ички дунёлари пок бўлгани учун уларда ҳосил бўлган сабаблар туфайли “самоъ”дан беҳожат бўлганлар.

“Самоъ” қулоққа кирса, орифнинг ички дунёсидан бир дарча очаети. Унинг изтироблиси ҳам бўлади, ундан ворид бўлган нарсани ожиз сифатли киши кўтара олмайди, ҳолати кучли бўлган ориф уни кўтаришга имкони бўлади. Абу Абдуллоҳ ан-



халқ учун вожиб бўлган “Худо севгиси нимадир” деб сўрасалар, “амрга итоат қилиш ва тоат” деб жавоб беради. Ва бу ушбу қавмга хос улуғ хатодир”. Ана шу “улуғ хато” нима эканлигини исботлаш мақсадида Абу Ҳомид Ғаззолий инсон кўнгли истакларига мурожаат қилади: “Самов” ҳақида ҳукм чиқариш учун сўзни аввало кўнглидан бошлаш керак, чунки “самов” кўнглида бор нарсани юзага чиқаради, ҳаракатга келтиради. Кимнинг кўнглида Маҳбуб (Аллоҳ)га муҳаббат учқуни бўлса, “самов” уни кучайтиради, аланга олдиради. Бундай пайтда “самов” саводир (раводир). “Самов” инсон кўнглига ёқимли бўлгани, инсон қалбига хурсандчилик келтиргани учун “ҳаром” дейиш тўғри эмас. Ёқимли нарсалар “ҳаром” эмас, ёқимлилардан зарарли бўлганларигина ҳаромдир”.

Абу Ҳомид Ғаззолий “самов”ни кўр-кўрона инкор этувчиларни танқид қилган: “Шуни билгилки, кимки “самов” ва “важд”ни, сўфийлар аҳволини инкор этса, буни ўзининг ноқислиги, калтафаҳмлигидан қилади”. Демак, қуруқ ақидапарастлик, зоҳирий билимларга ёпишиб олган кишининг фикри заиф, тор ва ноқис бўлади. Билим кенгайиши учун инсон ақл ва тафаккур билан бирга қалбини ҳам ишга солиши лозим. Камолот йўли шу. Абу Ҳомид Ғаззолий ҳар бир масалага ҳаётий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан ёндашганки, бундан қуруқ шиорлар ташлаш, маълум, асрлар оша бир неча марта қайтарилган сўзларни такрорлайвериш “олимнинг иши эмас” деган хулосага келиш ўринли.

Қуръон оятларини тинглаш ислом дини арконларида ҳам маъқуллангани учун сўфий амалиёти даражасига кўтарилган [15.223.]. Бахшилар ижросидаги халқ қўшиқлари айрим тариқат аҳли томонидан “жоиз” деб билинган бўлса, бошқа тариқат аҳли бутунлай инкор қилишган. Натижада тариқат аҳли ўртасида ҳам “муסיқа тинглаш керакми ёки тинглаш ҳаромми” деган тортишув юзага келган.

“Самов”га қарши асосий даъволар Шарқ халқлари турмуш тарзининг вақти-вақти билан бузилиши билан боғлиқ бўлиб, “самов” қилувчилар атрофига кўтлаб одамларни йиғиб, жазбага берилиши, турли узук-юлуқ маъносиз овоз чиқариши, ўзининг ва бошқа “самов” қилувчиларнинг кийимларини йиртиши, гир айланиб рақсга тушиши ва ўзини бошқара олмай, йиғлаши, ҳайқириши, телбадек қулиши каби ҳолатлар одамларнинг тинчини бузган. Оддий одамлар кўрганларини анча вақтгача гапириб эслаб, бошқаларга ҳам бу ҳақда айтиб юрганлар. “Самов” улар учун руҳий-маънавий озуқа вазифасини ўтаган [16.45-49.]. Ўша даврда, ҳозирги кундаги каби театр, кино, интернет бўлмагани учун “самов” мажлислари оддий одамлар учун кўнгилочар маскан бўлган. “Самов” мажлисларига одамлар тўп-тўп бўлиб келишган. “Самов” мажлислари ҳақидаги ҳайратланарли ва бироз муболаға қилинган гап-сўзлар ҳукуматга етиб борган. Ҳукумат ҳар доим ва ҳар жойда одамларнинг бир жойга тўпланишига қарши бўлган. Бунинг сабаби ҳукуматнинг оммавий йиғилишлардан кўркуви эди. Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳукумат жазо чораларини қўллаган ва “самов” мажлислари ўтказилишини расман тақиқлаган. Бунга жавобан “самов” қилувчилар ўзларини ҳимоя қилиб, “самов”дан кўзланган мақсадни Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида далил қилиб келтиришган [17.204.].

Тариқат муршидлари “самов”нинг қаерда ва қай ҳолатда “жоиз”лиги ёки “ножоиз”лигини белгилашни бошлашган. Шунга қарамай, самовнинг “жоиз”лиги “самов”ни тингловчиларнинг руҳияти, дунёқараши ва ахлоқий мукамаллиги билан



Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna
Candidate of Philosophy, Associate Professor
Namangan State University

***Annotation.** The article studies the essence of "sam" and dance based on the Koran, hadith and literature on mysticism, discusses the most controversial issues of "sam" in the development of tariqah, and also provides a philosophical and epistemological analysis of the relationship between music and tariqah.*

***Keywords:** Koran, dhikr, irfan, arif, tarikat, music, dance, poetry, samo, wajd, beauty, melody, qawwal, bakhshi, symbol.*

Кириш (Introduction). Муסיқа ирфон аҳли онгида илоҳий субстанция сифатида кўриладики, бу илоҳий моҳиятни инкор қилиш эмас, аксинча, борлиқни ягона муסיқий субстанция деб англашдир. Ирфоний тавсифга кўра, гўзаллик борлиқнинг барча мавжудотларини ҳаракат ва уйғунликда мужассам этган олий универсал шаклидир. Аллоҳнинг борлиғи гўзалликдаги гўзаллик ва абадий ҳаракат муסיқанинг хусусиятидир.

Тариқатлар тараққиётида энг кўп тортишувларга сабаб бўлган масала “самов” (тинглаш, муножот, кўшиқ, куй) ва рақсни сўфийлар маросимида қўлланилиши эди. “Самов” тарафдорлари ҳам, муסיқа ва “самов” мажлисларига қаршилар ҳам мазкур масалага жавобни Қуръон, ҳадис ва тасаввуф илмига доир адабиётлардан излашган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Шариаат аҳли “самов”ни инкор этиб, сўфийларнинг масжид ва бошқа жойларда йиғилиб шеърхонлик ва зикр қилиш жараёнида муסיқий оҳанг билан рақс тушишларини “бидъат” ва “ҳаром” деб ҳисоблашган [1.253.]. Бу иш муסיқанинг бошқа турларига нисбатан қабиҳ деб баҳолаганлар Абу Бакр Розий “самов”ни ҳақиқат аҳли учун “мустаҳаб”, олимлар учун “мубоҳ”, фосиқ ва фожирлар учун “макруҳ” ҳисоблаган. Абубакр Розий Бажалий, Ибн Жавзий, Суфён Саврий, Имом Шофийий каби ориф зотлар “самов”ни ҳаром деб айтган бўлсалар, Шайх Шиблий ва Нурий “самов” мажлислари тузганлар [2.69.].

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асарларида рақсу “самов”га алоҳида боб ажратиб, замон (вақт), макон (ўрин) ва ихвон (давра) шароитларига қараб, вожиб (савоб), ҳалол, мубоҳ ва ҳаром самов баён қилинган [3.350.].

“Кашф маҳжуб” да Қуръон, ҳадис ва орифларнинг кўшиқ ва “самов” ҳақида [4.420.]ги сўзлари баён қилинган. Қуръонда “Ул зот яратган махлуқотида ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур” [5.434.] дейилганки, тафсирчилар мафтункор овоз кўзда тутилганини қайд этадилар Ҳадисда “Овозингизни Қуръон ўқиш билан безанглар”, “Довуд (а.с.)нинг овозини эшитишни истаган одам Абу Мусо Ашъарийнинг сўзини эшитсин” [6.102.].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотнинг услубий асосини илмий билишнинг объективлик (холислик), тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, системалик, герменевтика, интерпретация, қиёсий таҳлил усуллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). IX асрдан бошлаб хонақоҳларда “самов” мажлислари ташкил этилган [7.129.]. “Самов” мажлиси – Қуръон оятлари, ҳадис, наът, мавъиза, диний маъруза, зикрни ўз ичига оладиган илоҳий ишқ тараннуми, таважжуҳ ва кўнгли софлиги учун кўшиқ ёки оҳанг эшитиш бўлиб, махсус “самовхона”